# 1999 йил - Аёллар йили

«Аёл ва жамият» танловига

# СОҒЛОМ АВЛОД - БАХТЛИ КЕЛАЖАК

**Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш учун вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар жиддий бош қотира бошлашгани сир эмас. Зотан, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшиламасдан, хизмат турлари сонини, замонавий тиббий асбоб-ускуналарни кескин кўпайтирмасдан туриб асосий мақсад - соғлом авлодни вояга етказишга эришиб бўлмайди. Қайд этиш жоизки, бу борада ибратли ишлар амалга оширилди. Қуйида ана шулар ҳақида гап боради.**

Тошкент шаҳар пренаталь маркази яқиндагина ташкил этилганига қарамасдан эл эътирофига сазовор бўлди. Бунинг сабаби нимада?

Биринчидан, ҳомиладор аёл ва туғилажак чақалоқнинг соғлом дунёга келишини назорат қиладиган ушбу марказда она ва болаликни муҳофаза этувчи барча замонавий техника, мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчидан, бўлажак оналар билан туғруқ ҳолатигача бўлган жараёнда маълум психологик тушунтириш ишлари олиб борилади. Бу тадбирнинг натижаси ўлароқ ҳомиладорлар дарддан енгил фориғ бўладилар.

Учинчидан, энг асосийси - она ўз чақалоғи билан доим бир хонада бўлади. Махсус каравотдаги фарзанди билан хоҳлаган пайтида мулоқотга киришиши мумкин. Бу тадбир ўз-ўзидан она-боланинг бир-бирига меҳрини оширади, боласидан кўнгли тўқ аёлнинг тез кучқувватга киришига имкон яратади. Янаям муҳимроғи, бола фақат ўз онаси сутидан баҳраманд бўлишига замин яратилган.

Ушбу марказ ҳозирданоқ жаҳонга юз тутмоқда. Италиядан ташриф буюрган бир гуруҳ юқори малакали шифокорлар марказ иши билан танишар эканлар, ҳайратларини яшира олмадилар. Италия давлати пренаталь марказини махсус медал билан мукофотлади. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деганларидек, шу ерда даволанган Собир Раҳимов туманилик Матлуба Пўлатованинг фикри билан қизиқиб кўрдик.

- «Фарзандим операция йўли билан дунёга келди. Ҳозир иккимизнинг ҳам соғлиғимиз яхши. Зарур бўлган барча дори-дармонлар билан таъминлашди. Биронта дорини ўз ҳисобимиздан сотиб олганимиз йўқ. Бош шифокор Улуғбек Нурматовдан тортиб оддий ҳамшираларгача - ҳаммасига минг раҳмат, дейман.»

Шуни мамнуният билан уқтириб ўтиш лозимки, республикамиз мустақилликка эришгач давлатимиз, ҳукуматимиз оналик ва болаликни муҳофаза этиш, соғлом авлодни камол топтириш масалаларини давлат миқёси даражасига кўтарди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастури тўғрисида республика Президентининг Фармони эълон қилинди. «Эл соғлиғи - юрт бойлиги» шиори дастуруламал сифатида мамлакат ҳаётига тобора сингиб бормоқда. Ушбу фикрни Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда республика «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси раиси Гулнора Йўлдошева далиллар билан тасдиқлаши мумкин: «Яқин келгусида ҳомиладор аёллар соғлом фарзанд кўриши ҳамда ногирон болалар туғилишини кескин камайтириш учун улар махсус марказлар кўригидан ўтадилар. «Она ва бола скрининги» деб аталувчи бундай марказлар сони беш йил ичида 9 тага етади. Ҳозир шундай марказлардан биринчиси Нукус шаҳрида фаолият кўрсатаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 140-сонли қарорига асосан «Она ва бола скрининги» давлат дастури қабул қилинди. Унда кўзда тутилишича, жумладан, ҳар бир вилоятда энг замонавий тиббиёт асбоблари ва аппаратлари билан жиҳозланган махсус «Мерседес-Бенц» автомашиналари хизмати жорий этилади.

> ***Республикамизда ёш авлод саломатлиги ҳақида қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Бу ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан оналар ва болалар саломатлиги ҳақида кўпроқ ўйлашни, кўпроқ ишлашни тақозо этади. Шу боисдан ҳам оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, хизмат турлари сонини кескин кўпайтириш лозим.***
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

У таркибида педиатр, гинеколог, терапевт ва ҳамширадан иборат гуруҳ билан йўлга чиқади. Энг муҳими, бундай гуруҳлар вилоятларнинг олис ҳудудларидаги қишлоқлар аҳолисига амалий ёрдам кўрсатади. Барча аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, лозим топилганлари тегишли шифохоналарга жойлаштирилади. Ушбу тадбирлар ижроси «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг тиббиёт ижтимоий марказлари мутахассислари томонидан назорат қилиниб, зарур ҳолларда амалий кўмак бериб борилади. Амалдаги йил охиригача «Она ва бола скрининги» Тошкент ва Андижон вилоятларида ишга тушиши режалаштирилган».

Республика скрипинг маркази раҳбари Леонид Исаковнинг изоҳ беришича, эндиликда ҳомиладор аёллардаги паталогияни барвақт аниқлаш имконияти туғилди. Яъни, масалан, ҳомила 8 ҳафталик бўлганида она венасидан қон олиниб, текшириб кўриш йўли билан бўлғуси чақалоқнинг ҳақиқий соғлиғи аниқланади. Агар унда ногиронлик белгилари бўлса ота-онанинг хоҳишига кўра аборт қилинади ёки аксинча дунёга келган ногирон болани соғломлаштириш учун барча имкониятлар ишга солинади.

Республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Аҳрор Ёрқуловнинг шоҳидлик беришича, «Она ва бола скрининги» дастури доирасида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик риштлари уланмоқда. Жумладан, Финляндиянинг «Валлак» концерни, АҚШнинг «Бристол Майерс сквибб» компанияси келишилган битимга кўра 1,2 миллион АҚШ доллари ҳажмида диагностика аппаратлари, техника воситаларини етказиб беради. Республика давлат бюджетидан эса шу давр мобайнида 4,41 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши керак.

Хизмат тақозоси билан республика педиатрия илмий текшириш институти директори муовини, тиббиёт фанлари номзоди Меҳмон Аҳмедов билан суҳбатлашиб қолдик. Унинг айтишича, бу ерда 275 нафар бемор даволанади. Улардан 40 нафари ҳомиладор аёллар бўлса, қолгани ёш болалардир. Шифохона асосан ошқозон-ичак ва гепатит касалликларига чалинганларга мўлжалланган. Эътибор беринг-а: 275 беморга 750 нафар мутахассис-у ҳамшира хизмат қилар, бошқа шифохоналардан фарқи - иссиқ овқатлар беморларга бепул тарқатилар экан. Яна намунавий жиҳати шуки, шифохонанинг дори-дармонлар билан таъминланиш даражаси 80 фоизни ташкил этаркан. Шу институтда жарроҳлар аралашуви билан фарзанд кўрган Чилонзор туманининг 5-мавзесида яшовчи Елена Аскованинг таъкидлашича, операциялар ва дори-дармонлар учун ҳам ҳеч ким пул сўрамаган.

Биз пайтини топиб бу ерда аҳоли талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун барча имкониятлардан фойдаланилаётганлиги сабабини сўрадик.

- Бизнинг институт айнан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳомийлиги ва алоҳида назоратида бўлгани учун ҳам барча шароитлар яратилган, - дейди М.Аҳмедов.

Бундай эътироф олқишга лойиқ, албатта. Лекин ўрни келганда ҳамма шифохоналарни ҳам «ҳомийлик ва алоҳида назорат остига олиш» мушкул масала эканлигини очиқ айтиш лозим. Яширишнинг нима зарурати бор - давлатимиз жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган, инсоннинг маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладиган қонунлар мажмуасини яратди. Йўлбошчимиз Ислом Каримов уқтирганларидек, «...Аёллар манфаатини таъминловчи махсус Дастур қабул этилди. Дастурда кўзда тутилган барча тадбирлар сўзсиз бажарилиши керак». Бироқ амалдаги қонунлар, беистисно бажарилиши шарт бўлган кўрсатма, йўл-йўриқлар ҳаммавақт ҳам амалийлик тусини олавермаслигини афсус-надомат билан тан олишимиз керак. Шу ўринда ота-боболаримиздан қолган «Дарахтнинг учи бекорга қимирламайди» деган мақолни эслатиб ўтиш ўринлидир. Унинг биз ёзаётган материалга бевосита алоқаси борлиги учун ҳам ёдга олдик. Чунончи, кўпчилик ўртасида «Фалончи операция учун жарроҳга фалон сўм узатибди», «Фалон шифохонада фалон касалликка тиғ теккизишдан олдин фистончига мунча сўм беришинг керак» деган миш-мишларда жон йўқ, деб ўйлайсизми.

- Ён қўшним - 70 ёшлардан ошган онахон тўсатдан шаҳар касалхонасига «тез ёрдам»да олиб кетилгани, олисдан яқинлари келгунча иложини қилиб ҳолидан хабар олиб турилса савобга қолинарди, деб қолишди,- дейди пойтахтнинг «Ишчилар шаҳарчаси»да яшовчи, педагог Сайдумар Муҳамадхўжаев.- Машина кира қилиб бир зумда етиб бордим. Меҳри ая юрак хасталиги хуружи билан реанимация бўлимига ётқизилган экан. Беморнинг кўнглини кўтардим. Бўлим мудиридан қандай дори-дармон зарур бўлаётганини сўраганимда, у олти хил дори номини ёзиб берди.

- Мана, шуларни топиб келсангиз қариянинг ҳаётини сақлаб қолишимиз мумкин.

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.**

**(Давоми бор.)**

## УМР ҚАЙТМАЙДИ

**Умримиз ўтади оқар сув мисол,**
**Қушлар қайтар бир кун, умр қайтмайди.**
**Кетган ёзим қайтар, аёзим қайтар,**
**Баҳор қайтар, нечун, умр қайтмайди?**

**Гардуннинг ишига ақлим лол қолар,**
**Ўксик кўнгилга ҳеч нарса ботмайди.**
**Ер остига кирган қурт-қумурсқалар -**
**Қайтарлар бус-бутун, умр қайтмайди.**

**Саволлар бераман жавоб айтар деб,**
**Мен кутган жавобни ҳеч ким айтмайди.**
**Ҳар шом кетган қуёш тонгда қайтар-у,**
**Аммо не учундир умр қайтмайди.**

**Дунёда мардлар кўп ўз ватанини,**
**Ўлса-ўлар, аммо пулга сотмайди.**
**Бир парча ер учун берар жонини,**
**Чиққан жон қайтмайди, умр қайтмайди.**

**Инсонга кўп нарса кераклиги рост,**
**Ҳеч ким керагини ортга отмайди.**
**Бу дунёда яша инсонларга хос,**
**Одамийлик қайтар, умр қайтмайди.**

**Зебунисо БОЛТАЕВА.**



## УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛИБ

Узоқни яқин қилиб, бир зумда исталган жойга қўнғироқ қилиб ҳожатингизни чиқаришда 1991 йили ташкил этилган «Ўздунробита» Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг муносиб ўрни бор. Республикамизнинг 900 дан зиёд шаҳарларида уяли алоқалар ҳамда барча вилоятларда «Ўздунробита»нинг 15 та қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

«Ўздунробита» тасарруфида ташкил этилган ўқув марказида мазкур соҳада ишлашни ихтиёр этганлар сабоқ ва кўникма оладилар.

**Суратда: операторлар Гўзал Орипова, Алмира Аюнина ва Шаҳло Ҳошимовалар.**
**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.**

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДАН ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИККА

Ҳаётимиз гуллари аёллар мустақил Ўзбекистонимизда алоҳида эъзозда. Хўш, жойларда Аёллар дастури асосида ишлаб чиқилган тадбирлар қандай бажарилмоқда? Ана шу саволга жавоб излаб, Иштихон туманидаги Абдулла Бердиқулов номли жамоа хўжалигида бўлдик. Мазкур хўжалик деҳқонлари соҳалар бўйича юксалишга эришмоқдалар. Бу йил гектаридан ўртача 60 центнердан ғалла ҳосили олинди. Шуни айтиш керакки, хўжалик ғаллакорлари бу йил Франциядан келтирилган «Готик» навли арпа, «Трибор» навли буғдой етиштиришни тажриба тариқасида кичик майдонда синаб кўришди. Бу йил буғдой ҳосилдорлиги 66 центнерни ташкил этди. Демоқчимизки, кейинги икки йилда хўжалик иқтисодиёти анча юксалди. Шунинг эвазига олинган даромад ҳисобига ижтимоий соҳани ривожлантиришга киришилди. Хусусан, хўжалик ҳудудида иккита болалар боғчаси тўла қувват билан ишлай бошлади. Замонавий лойиҳага асосланган мактаб биноси қурилиши тугалланмоқда. Қишлоқ тиббиёт маскани энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда шифокорлар қишлоқ аёллари саломатлигини назорат қилиш бўйича режали иш олиб боришмоқда. Бундан ташқари иккита шийпон, бир неча бригадаларда мавсумий шийпонлар қурилиши бошлаб юборилган. Буларнинг ҳаммаси хўжалик маблағи ҳисобига қурилмоқда.

— Хўжалигимизда 800 нафарга яқин киши ишлайди. Уларнинг 40 фоизи хотин-қизлардир. Аёллар асосан пиллачилик, ғаллачилик ва ижтимоий соҳаларда меҳнат қилишади. Далада ишловчиларнинг дам олиш шароитини яхшилаш мақсадида мавжуд дала шийпонларини баҳордаёқ тўлиқ таъмирладик, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Дала бошида иссиқ овқат, чой ва бошқа неъматлар таъминоти яхшиланди, - дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Эргаш Эрдонов. - Ҳамма қишлоқларимиз табиий газ, электр қуввати, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Ўндан зиёд маиший хизмат масканлари ишлаб турибди. Меҳнаткашларни, айниқса ишловчи аёлларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 1999 йил учун мўлжалланган жамоа шартномасига алоҳида бандлар киритдик. Шунга кўра хўжалик бошқаруви иш ҳақидан ва болалар нафақасидан олдинги йилларда йиғилиб қолган қарзларни ҳам тўлиқ тўлаб берди. Бундан ташқари самарали меҳнатни рағбатлантириш учун пиллачи аёлларга етиштирилган 1 кг. пилла учун 2 кг. дан ғалла берилди. Бошқа соҳалар учун ҳам шу каби қўшимча тўловлар белгиланди. Қисқаси, меҳнатдан манфаатдорлик ошмоқда.

Қишлоқларда яшовчи аёлларнинг ижтимоий-маданий шароитларини ўрганар эканмиз, хўжаликда ишловчи Ф.Муҳаммадиева, З.Саидова, С.Нарзуллаева, М.Қодирова, Ш.Расулова, Ҳ.Тожиева каби ўнлаб опа-сингилларнинг фикрига қулоқ тутдик. Уларнинг таъкидлашларича, кейинги вақтларда аёлларга муносабат ўзгариб, ғамхўрлик кучаймоқда. Иш ҳақига, мукофотга пул, маҳсулот берилмоқда. Хўжаликнинг Нурхон Усмонова бошлиқ бадиий ҳаваскорлари клубда, шийпонларда, қишлоқларда меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, бу йил хўжаликка Тошкентдан ва Самарқанддан таниқли санъаткорлар бир неча бор таклиф этилди. Аёллар Имом Ал-Бухорий зиёратига бориши учун хўжалик томонидан автобус ажратилган. Ҳозиргача 200 нафардан зиёд хотин-қиз саёҳатга чиқди. Маҳаллаларда аёллар учун ўзаро турли кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолибларга хўжалик бошқаруви ва касабақўм томонидан қимматбаҳо совғалар ҳадя этилмоқда.

— Қилинган ишлар билан мақтанавермайлик. Бизни ўйлантираётган масалалар ҳам бор, - дейди хўжалик бошқаруви раиси Б.Мансуров, - қишлоқларда маиший хизмат турларини кўпайтириш, қайта ишлаш корхоналари тизимини ривожлантириш керак. Бунинг учун лойиҳалар тайёрланган. Бу йилги ғалланинг даромади маблағ масаласини ҳал этади. Янги иш жойларининг 70 фоизи аёлларга мўлжалланган.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ХОРАЗМДА «ОИЛА» МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Ўтган йилимизнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги қарорига биноан республика «Оила» илмий-амалий Марказининг ташкил этилиши жамиятимизнинг асосий томири ҳисобланган оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш йўлидаги қутлуғ қадамдир. Бир йил давомида қатор вилоятларда Марказнинг бўлимлари очилди.

Яқинда Хоразм вилояти «Оила» марказининг очилишига бағишланган тантанали тақдимот йиғилиши бўлиб ўтди. Тантанага вилоят раҳбарлари, туман ҳокими муовинлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, жамоат ташкилоти вакиллари таклиф этилдилар. Тақдимот маросимида Республика «Оила» илмий-амалий Маркази директори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ойниса Мусурмонова нутқ сўзлади. У вилоят «Оила» илмий-амалий Маркази олдида турган вазифалар, уларни амалга ошириш йўл-йўриқлари ҳақида гапирди. Шундан сўнг сўзга чиққан Урганч тумани ижтимоий соҳа бўйича ҳоким ўринбосари И.Абдуллаев, Урганч Давлат Университети проректори Х.Бобожонов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Х.Абдуллаев, «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Ю.Қосимова, вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Маркази раҳбари Г.Ибодуллаевалар сўзга чиқиб, вилоят «Оила» илмий-амалий Марказининг очилиши умум ишимизга катта ҳисса қўшади, деб ишонч билдирдилар.

**Сардор УСМОНОВ.**

## ОНА СУТИ - ЯРАТГАННИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Болаларни жисмонан ва руҳан баркамол қилиб ўстириш ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси ва бурчидир. Бола соғлигига эътиборни у туғилмасданоқ бошлашнинг аҳамияти каттадир.

Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиббиёт қонунлари» асарида «Болани озиқлантиришда мумкин қадар онасининг сути билан боқиш керак, чунки она сути бола қорнида эканлиги вақтида истеъмол қиладиган овқат моддасига ўхшайди. Эмишнинг табиий муддати икки йилдир, ер юзидаги тирик мавжудот ҳаёти учун қуёш нури қанчалик зарур бўлса, ўсаётган бола учун она сути шунчалик зарур ҳисобланади. Она сути суюқ, енгил ҳазм бўладиган, етарли қувватга эга, табиий тайёр озуқадир» дейилади. Маълумки, бола дунёга келгач, она сийнасига талпинади. Чақалоқ ўз сезги аъзолари ёрдамида, фақат онанинг кўкрак сути ҳидини сезади. Она сути таркибида бола ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма моддалар мавжуд. Чунончи, оқсил, ёғ, углевод ва минерал моддалар ҳар қандай сунъий ёки сигир сутидагига нисбатан ортиқ бўлади, ҳазм бўлиши, сурилиши осон бўлиб, катта афзалликларга эга. Олимларнинг таъкидлашича, она сути турли касалликларни чақирувчи вирус, микробларга қарши курашувчи омилларга бой бўлади ва болада иммунитет (касалликка қарши ҳимоя)нинг шаклланиши жараёнида қатнашади. Ундаги иммуноглобуминлар янги туғилган чақалоқни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиб, оқсиллар эса болани аллергия ҳолатидан сақлайди.

Халқимиз удумларига кўра чақалоқ туғилган хонадонда 40 кун чилла сақланади. Она ва бола яшайдиган хонага бегона киритилмаган. Шу йўл билан уларнинг қувватга киришига имкон яратилган, нимжон таналарига бирор хасталик юқишининг олди олинган. Она то қувватга кириб, ўзини ўнглаб олгунча, унинг ёнида ё ўз онаси, ёки қайнонаси бирга яшаган. Ҳатто куёв йигит-отага ҳам бу хонада тунашга рухсат этилмаган.

Болаларни умуман ва айниқса гўдакларни боқиш жуда мураккаб ва масъулиятли иш бўлиб, улардаги кўпгина касалликларнинг кечиши ва оқибати кўп жиҳатдан овқатланиш хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабли болани тўғри боқиш боланинг саломатлиги ва ҳаётини сақлашдаги энг муҳим ва самарали чоралардан бири ҳисобланади. Олимларнинг таъкидлашича, чақалоқ 6-10 ойлик бўлгунга қадар бир вақтда, бир меъёрда кўкрак сути билан эмизиб турилса, кейинги ойларда мева ва сабзавот шарбатлари, қўшимча овқатлар бериб борилса, унинг кейинчалик саломат бўлиши ва тўғри ривожланишини таъминлайди. Лекин кўкрак сутига қўшимча қуритилган сут талқони эритмалари, болаларнинг тайёр овқатига сигир сути, сув ёки бошқа ичимликлар билан бола озиғининг бойитилиши она сутининг камайишига сабаб бўлади. Сўрғичли идишларда болани озиқлантириш билан уни бутунлай кўкракдан айириб қўйиш мумкин. Булар кўкрак сутининг тортилишига олиб келади. Олимларнинг аниқлашича, эмизиш оналик пуштининг тикланишини тўхтатиб туради. Онанинг ҳайз кўриш жараёни муддатининг тикланишида боланинг кўкрак эмиш вақтлари оралиғи энг муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Олимларнинг кузатишларидан маълум бўлишича, она сути билан озиқланган бола мия фаолияти икки баробар тез тараққий этиб, ўз тенгқурлари орасида жисмонан бақувватлиги ва ақлан етуклиги билан ажралиб туради. Уларда жисмоний ривожланиш барвақт бошланиб, она сутидаги моддалар асаб тўқималарининг ўсишида ва ривожланишида қатнашиб, боланинг руҳий тетик ва ҳаётий қизиқувчан бўлиб ўсишига ёрдам беради. Шундай қилиб она сути бола учун фақат бебаҳо озуқа маҳсулотигина эмас, балки руҳий қувват, руҳий озуқа ва баркамоллик манбаи ҳамдир. Зеро ҳар гал гўдагини кўксига босган она оламжаҳон қувонади, боласининг оғзига кўкрак тутганда шундай бахтга мушарраф бўлганидан энтикиб, руҳан тетиклашади. Айни пайтда сути билан болага меҳр-муҳаббатини ҳам сингдиради. Она сути бола тарбиясида, яъни болада меҳр-оқибат, садоқат, поклик, инсоф, одамийлик каби ижобий фазилатларнинг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

**ЁШ ОИЛАЛАРГА ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР:**

1. Балоғат ёшига етиб, турмуш қураётган сингил-қизларимиз кўкрак ва елка мушакларини қувватли қиладиган, сут безларида қон айланишини яхшилайдиган бадан-тарбия машқларни бажариб юришлари керак.

2. Ёшлигидан тўғри тарбия кўрган, мустақил ҳаётга тайёрланган, оналик бурчи ва шарафи ҳақида тушунчага эга бўлган қизлар ҳомиладорлик ва туғиш даврида чақалоқни боқиш ва ўстиришда қийналмайдилар.

3. Аёл киши ҳомиладорлик пайтида ўзини бола эмизишга тайёрлаши керак.

4. Ҳомиладор аёлларга аччиқ ва кўк чой, кофе ичиш мумкин эмас, чунки улардаги кофеин эфир мойлари ва бошқа турли моддалар аёл қорнидаги ҳомила қонига ўтиб, унинг организмига зарарли таъсир этиши мумкин.

5. Эмизикли аёлларга аччиқ чой, кофе ичиш тавсия этилмайди, чунки улар она сутини жуда қуюқлаштириб, сермой қилиб, камайтириб юборади.

6. Эмизикли аёллар сут безларини ниҳоятда тоза сақлашлари зарур. Чақалоқни эмизишдан олдин бир неча томчи сут билан кўкрак безларининг учини ювиб ташлаш керак.

7. Уч ёшгача бўлган болаларга чой, кофе ичириш мумкин эмас. 3-9 ёшли болаларга эса қайноқ сувга сут, асал ёки мураббо солиб ичириш тавсия этилади.

8. Эмизикли оналар учун ҳеч қандай махсус парҳез йўқ. Лекин уларнинг сути кўп ва тўйимли бўлиши учун ейиладиган озиқ-овқатлар таркибида оқсил, ёғ, углеводлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва витаминлар икки баробар кўп бўлиши керак. Бунинг учун улар албатта сут ва сут маҳсулотлари, гўшт, тухум, балиқ, мева, сабзавот ва кўкатларни истеъмол қилишлари шарт. Лекин пиёз, саримсоқ, гармдори, хрен, мурч, карам, шолғом, узум, турп, тановвул қилишдан тийилишлари керак.

9. Эмизиш она сийнасининг серсут бўлишини таъминлайди. Бола она кўксини қанча тез-тез эмса, шунча кўп сут келиб, чақалоқ сутга тўяди ва она кўкрагини оғришдан сақлайди.

10. Ҳомиладор ва ёш боласи бор аёлларнинг спиртли ичимликлар ичиши, тамаки чекиши уларнинг сутини камайтирибгина қолмай, ўзларининг ва гўдакнинг саломатлигига ҳамда хулқига ҳам салбий таъсир этади.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**
**доцент.**

